

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



№94-95 (947-948)
2025 йил 5 декабрь,
жума

O'ZBEKISTON

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Президент Шавкат Мирзиёев 4 декабрь куни Сирдарё вилоятига қилган ташрифи давомида Халқ депутатлари вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди.

Унда вилоятда бир қатор муҳим қурилиш ишлари амалга оширилиши ҳақида маълумот берилди.

Хусусан:

- Сирдарё, Сайхунобод, Гулистон ва Боёвутни Бекобод билан боғлайдиган 74 километр йўл реконструкция қилинади;
- Келаси йили Боёвутда сизими 100 миллион куб метр бўлган "Султонхон" сув омбори қурилиши бошланади;
- А-373 йўлининг Сайхунобод ва Гулистон туманидан ўтган 37 километрлик яроқсиз қисми 6 тасмали қилиб реконструкция қилинади;
- Сирдарёда уй-жойга талабни қондириш учун йил якунигача 3 минг 100 та хонадонга эва кўп қаватли уйлари фойдаланишига топшириш, 2026 йилда яна 3,5 минг квартиралар 80 та уй-жой барпо этилади.

ЎЗБЕКISTON KONSTITUCIYASI – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Мамлакатимиз Асосий қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўз навбатида, айнан Бош қомусимиз қонун устунлигининг муҳим кафолатидир.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти Зарина ИСРОИЛОВА-ВА ҲА УЗА МУХБИРИ НОРГУЛ АБДУРАИМОВА-ГА ШУ ҲАҚДА ФИКР БИЛДИРДИ.

– Бош қомусимизда Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳақида алоҳида боб киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий

юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми-дир.



▶ 3-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Пойтахтимизда ўтказилган "Swiss Days – 2025" доирасида урбанизация, рақамли бошқарув ва саннат модернизациясига бағишланган сессиялар бўлиб ўтди. Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги вакиллари Швейцариянинг замонавий шаҳарсозлик ёндашувлари – "sponge city", "яшил инфратузилма", табиий дренаж тизимлари, рақамли режалаштириш ва ГИС моделлаштириш бўйича илғор тажрибаларини муҳокама қилишди.

Швейцария экологик барқарор инфратузилма, сув ресурсларини бошқариш, транспорт тизимини оптимallasштириш ва муҳандислик ечимлари бўйича дунёдаги етакчи давлатлардан бири саналади. Шу босис, сессияларда барқарор шаҳарсозлик, чинкидиларни қайта ишлаш, энергия самарадорлиги ҳамда санатни модернизация қилишга оид халқаро технологиялар тақдим этилди. Шунингдек, Швей-

цария компаниялари билан урбанизация соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда уларнинг илғор тажрибасини республика шаҳарларини барқарор ривожлантириш лойиҳаларида қўллаш бўйича янги имкониятлар очилмоқда. Ушбу мулоқотлар пойтахтимиз ва ҳудудларда қулай, хавфсиз ва барқарор шаҳарсозлик сиёсатини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида 11 ойлик фаолият якунлари бўйича кенгайтирилган танқидий-таҳлилий йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда вазирлик, бош бошқарма аппарати ходимлари, туман ва шаҳар бўлимлари масъуллари, шунингдек, бошқарув органлари – бошқарув сервис компаниялари ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни бош бошқарма бошлиғи Баҳодир Негматов олиб борди. Дастлаб соҳа йўналишлари бўйича бошқарма ўринбосарлари ҳамда бўлим бошлиқларининг ҳисоботлари тингланди. Унда кўп қаватли уйларида коммунал хизматлар кўрсатиш ҳолати, бошқарув органларининг туну кун диспетчерлик хизмати фаолияти, мавсумий тайёргарлик ишлари, мажбурий бадал тўловлари бўйича юзага келган дебитор қарздор-

лик масалалари батафсил муҳокама қилинди. Шунингдек, келгуси давр учун устувор вазифалар белгилаб олинди. Йиғилиш давомида туман ва шаҳарларда ташкил этилиши режалаштирилган намунавий "ижтимоий кўчалар" бўйича амалга оширилаётган ишлар, қурилиш жараёнларини шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида тўлиқ расмийлаштириш ҳамда белгиланган тартибда ва муддатларда ижро этилишини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилиш якунида иш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар бўйича масъуллар огоҳлантирилди. Келгусида хатоларнинг такрорланиши ҳолатларида уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши алоҳида таъкидланди.

Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш янада кучайтирилади


Сайдносир УСМОНОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари.

Давлатимиз раҳбарининг "Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги ва сейсмик хавфсизлигини таъминлашда давлат назорати ва бошқарувини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш механизмлари тақомиллаштирилади.

Бу орқали энди қурилиш-пудрат ташкилотларининг объектлар қурилишида зилзилабардошликни таъминлаш бўйича жавобгарлиги кучайтирилмоқда.

2026 йил 1 январдан эътиборан 2 ва ундан юқори қаватли барча кўп квартиралар уй-жойларини инструментал-техник текширувдан ўтказишга иктисослашган лойиҳа ташкилотларининг рўйхати шакллантирилади ва "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида рейтинг юритиб борилади. "Шаффоф қурилиш" МАТда инструментал-техник текширув хулосалари асосида бино ва иншоотларнинг техник ҳолати мониторинг қилинади. Инструментал-техник текширув хулосаларини тавсиявий мазмунда бериш амалиётини тугатиш ҳамда ушбу хулосалар фақат ижобий бўлган тақдирда, кўп квартиралар уй-жойлардан келгусида фойдаланишга рўхсат берилди.

Фармонга кўра, 2026 йил 1 январдан миллий норматив ҳужжатларга номуносив бўлган қисмлар учун



компенцияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш фақатгина "Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш республика маркази" давлат муассасаси томонидан амалга оширилади.

Объектларнинг зилзилабардошлиги бўйича илмий ҳамда лойиҳа ҳужжатларининг смета қисмидан ташқари шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси хулосаларини тавсиявий мазмунда бериш

амалиёти тугатилади. Қурилиш бошланган кўп квартиралар уй-жойларга қўшимча қават қўшиш, баландлигини ошириш учун шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тегишли архитектура-шаҳарсозлик кенгашилари томонидан кўриб чиқиш, экспертизадан ва қайта рўйхатдан ўтказиш таққикланади.

Шунингдек, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ноқонуний қурилмаларни буздариш ишлари нархлари ҳар йил учун алоҳида белгилаб борилади.

НАЗОРAT ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Термиз шаҳридаги "Жайхун БСК" ва "Термиз Фаровон Сервис БСК"ларда тўғри вақтда рейд назорат тадбирлари ташкил этилди.

Рейд давомида корхоналар фаолиятидаги 24/7 режимдаги авария-диспетчерлик хизмати, кўнғироқларга жавоб бериш тартиби, навбатчилик графиги, техник жиҳозларнинг иш ҳолати ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг оперативлиги ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида аниқланган айрим камчиликлар бўйича ташкилот масъулларига уларни бартараф этиш юзасидан белгиланган тартибда кўрсатмалар берилди. Маз-



кур рейдлар авария-диспетчерлик хизматлари фаолиятини яхшилаш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифати ва узлуксизлигини таъминлашга қаратилган.

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида "Қурилиш объектларини онлайн кузатиш маркази фаолиятини рақамлаштиришда ишлаб чиқилган янги дастурий таъминот тақдироти" мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

Тадбирда қурилиш соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, объектлар устидан масофавий назоратни кучайтириш ва мониторинг жараёнларининг шаффофлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Семинарда янги дастурий таъминотнинг техник имкониятлари, унинг амалий устунликлари ҳамда кундалик фаолиятга татбиқ этиш тартиби батафсил таништирилди. Ҳудудий инспекция бош мутахас-

сислари Уўралиев ҳамда В.Бектамишовлар томонидан тизимнинг функционал жиҳатлари юзасидан маълумот берилиб, иштирокчиларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтарилди. Шунингдек, наъмунавий мисоллар орқали қурилиш жараёнларини онлайн кузатиш, маълумотларни тезкор таҳлил қилиш ва назорат самарадорлигини ошириш имкониятлари амалиётини тарзда кўрсатиб берилди.

Навоий шаҳрида янги ишбилармонлик маркази ҳамда кўп қаватли турар жой биноларини қўриш ишлари олиб бориламоқда.

Мазкур жараёнларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан навбатдаги ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Мониторинг жараёнида қурилишда қўлланилаётган замонавий технологиялар, ишлатилаётган қурилиш материаллари сифати ҳамда уларнинг амалдаги меъёр ва стандартларга мувофиқлиги атрафлича таҳлил қилинди. Масъулларга барча ишларни лойиҳа ҳужжатларига тўлиқ риоя этган ҳолда олиб бориш зарурлиги яна бир бор қатъий эслатиб ўтилди.



Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймалик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддаси.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК – ҚУРИЛИШНИНГ ЯНГИ ТАЛАБИ

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Экологик вазиятнинг ёмонлашуви Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида, айниқса, пойтахт Тошкентда жиддий муаммога айланган. Аҳоли саломатлиги, шаҳар ҳаётининг сифати ва инфратузилманинг барқарор ривожланишига бевосита таъсир кўрсатаётган ушбу омил турли соҳаларда, жумладан, қурилиш жараёнларида янада масъулиятли ёндашувни талаб қилмоқда. Бугунги кунда республика бўйлаб амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг экологик хавфсизлик билан уйғунлашуви давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани ҳам бежизга эмас.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон имзоланди. Мазкур Фармонга мувофиқ, пойтахтдаги экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича махсус комиссия ташкил этилиб, шаҳар бўйича қатъий назорат тизими жорий қилинди.



ЧАНГ – ПОЙТАХТ ЭКОЛОГИЯСИНING АСОСИЙ ТАҲДИДИ



Ҳаводаги чанг миқдорининг сезиларли даражада ортишида шаҳарларда автомобилларнинг ҳаракати ва айниқса, қурилиш ишлари жаддалашуви ҳам сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолат аҳолининг саломатлигига жиддий хавф туғдираётгани боис, ҳозирда қурилиш объектида экологик талабларни кучайтиришга қаратилган тизимли чоралар кўриляпти.

Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги қурилиш объектида чанг кўтарилишини камайтириш мақсадида экологик талаблар сезиларли даражада кучайтирилган. Хусусан, қурилиш жараёнлари давомида ҳавога зарарли чанг чиқишини олдини олиш учун майдонларда мунтазам равишда сув сепиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, объектиларга кириб-чиқаётган юк автомобиллари махсус ювиш ускуналарида тозаланган ҳолда ҳаракатланиши қатъий тартибда белгиланган. Қурилиш майдонларининг ўзида эса чангларини камайтиришга хизмат қилувчи сув пуркагич аппаратлари ўрнатилиши

мажбурий талаблардан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Энг муҳими, ушбу экологик қоидаларга риоя қилмаган қурилиш объектиларининг фаолияти вақтинчалик тўхтатилмоқда. Мазкур чоралар нафақат Тошкент шаҳрида, балки республиканинг барча ҳудудларида татбиқ этилаётгани экологик хавфсизлик масаласининг умумреспублика миқёсида устувор аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Доимий равишда олиб борилаётган мониторинг ишлари давомида сув пуркагич, юк ташувчи автотранспорт воситаларининг шиналарини ювиш, карчир мосламаларини ўрнатиш ҳолатлари бўйича камчиликлар юзасидан ёзма кўрсатмалар берилмоқда, – деди Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси Жаҳонгир Исмоилов. – Ушбу ёзма кўрсатмалар талабларини бажармаган ва қоидаларга риоя қилмаган қурилиш объектилари масъулларига маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.



ҲУДУДИЙ ИНСПЕКЦИЯ – ЖАРАЁН МАРКАЗИДА

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари қурилиш майдонларида санитария ва экологик нормаларнинг бажарилиши, чангни камайтириш чораларининг амалда қўлланилиши, сув пуркагич аппаратларининг мавжудлиги ва транспорт воситаларининг ювилиши тизимли текширувлар ўтказмоқда.

– Мураккаб вазиятдан келиб чиққан ҳолда, инспекция томонидан рўйхатдан ўтган қурилиш объектиларини мунтазам назоратта олганимиз, – деди Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси Хусанжон Тулаганов. – Назорат давомида бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган чанг кўтарилишига қарши изчил чоралар кўриляпти. Объектларга буюртмачи томонидан чанг кўтарилишига қарши ювиш воситалари ўрнатилиб, чанг кўтарилишининг олди олинмоқда.

Таъкидлаш кераки, талабларга жавоб бермаган, сув сепиш ёки намлантирувчи мосламалар ўрнатишни истамаган қурилиш ташкилотлари фаолияти тўхтатилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида, давлат органларининг экологик хавфсизлик масаласида принципал позицияси мавжудлигини тасдиқлайди.



ТАБИЙ МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИ



Пойтахтдаги экологик муаммоларнинг кучайгани шароитида Президентимиз томонидан имзоланган Фармон нафақат фавқулодда чора сифатида, балки узоқ муддатли экологик сиёсатнинг муҳим қадамларидан бири сифатида қаралмоқда. Махсус комиссиянинг ташкил этилиши, қурилиш соҳасида назоратнинг кучайтирилиши, чангларини камайтирувчи технологияларнинг мажбурий жорий этилиши – буларнинг барчаси Тошкентнинг экологик келажagini асрашга қаратилган тадбирлардир. Айни дамда шаҳар бўйлаб экологик

мувозанатни тиклашга қаратилган кенг кўламли ишлар – автомобиль ювиш ҳудудлари кўпайтирилиб, яшил майдонлар барпо этиляпти, атмосферанинг бузилишига таъсир кўрсатаётган барча омилларни камайтириш чоралари кўриляпти.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари билан биргаликда пойтахтимизнинг Сергели тумани Янги қўйлик кўчасида барпо этилаётган “Favorit residence” турар жой мажмуасида бўлиб, жараён-



ларни кузатдик. “Original lyuks servis” МЧЖ лойиҳаси ҳисобланган мажмуада ўрнатилган махсус сув пуркагич қурилмалар ёрдамида бир кунда икки маҳал чангларни бостириш мақсадида ҳаво намлантирилмоқда. Бундан ташқари, қурилиш объектида кириш жойида карчир ўрнатилган. Ҳар бир автотранспорт воситасини ювиш имконияти мавжуд.

Хулоса қилсак, бугунги экологик шароит шуни кўрсатмоқдаки, қурилиш фақат бетон ва техникадан иборат эмас, балки экологик масъулиятни талаб қиладиган жараён ҳамдир. Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган чора-тадбирлар экологик хавфсизликни биринчи ўринга қўйишни кўзда tutади. Ҳудудий инспекциялар назорати ва қурилиш ташкилотларининг масъулияти – буларнинг барчаси пойтахтнинг экологик барқарорлигини тиклашга хизмат қилади. Шубҳасиз, бу жараён кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши, хабардорлиги ва масъулияти билан янада самарали бўлади. Чунки экология – бу нафақат давлатнинг, балки ҳар бир фуқаронинг келажакка бўлган масъулиятини акс эттиради.

1-бет ЎЗБЕКISTON КОНСТИТУЦИЯСИ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ МУХИМ КАФОЛАТИ

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритади.

Мазкур бобда кафолатлаб қўйилган тамойиллар "Ўзбекистон - ҳуқуқий давлат" деган ғоянинг асосини ташкил этади. Зотан, ҳуқуқий давлатда барча соҳаларда, энг аввало, қонуний асосларга таянилган ҳолда иш юритилади. Бу қонуний асослар эса Бош қомусимиздан бошланади ва, ўз навбатида, унинг ўзи бунинг кафоли бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз қайд этганидек, кейинги вақтларда "Қонун - муқаддас, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли қарор топтириш шарт!" деган эзгу тамойилни жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар учун ҳаётини қондага айлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 8 майдаги "Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида янги тахрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилиши белгиланган.

Мазкур фармон асосида барча қонун ҳужжатлари янги тахрирда қабул қилинган Конституцияга мувофиқлаштирилди. Ушбу фармон билан "Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури" тасдиқланди.

2025 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қуни



байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Президент фармойишида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўттиз уч йиллигини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш, фуқароларни унда белгиланган эзгу қадриятлар атрофида бирлаштириш, "Конституция - инсон қадрини, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!" деган бош ғояни ўзида мўжассам этган маънавий-маърифий ҳамда

бошқа тадбирларни самарали ташкил этиш белгиланди.

Шундан келиб чиқиб амалга оширилаётган тадбирларда ҳам Конституцияда белгиланган халқ ҳокимияти, инсон қадрини, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик каби эзгу ғояларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда ўз аксини топаётгани кўрсатиб берилмоқда.

Хусусан, Жаҳон иқтисодиёти ва

дипломатия университетиде Конституция дарслари ташкил этилиб, унда Конституция асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини соҳасида мутлақо янги босқичга ўтилгани очиқ берилмоқда.

Бундай тадбирлар ёшлар қалбида мамлакат Асосий қонунига ҳурмат ҳиссини шакллантириш билан бирга, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, бунинг амалда таъминлашдек ҳуқуқий маданиятни шакллантиради.

Davlat barqarorligi va jamiyat taraqqiyotining huquqiy asosi

O'dina TOIROVA, TDYU huzuridagi M. S. Vosiqova nomidagi akademik litsey o'quvchisi.

8-dekabr – O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan sana sifatida nafaqat siyosiy tariximiz, balki huquqiy davlat konsepsiyasining shakllanish jarayonida ham muhim bosqichdir. Asosiy Qonunimiz o'zida davlatlilikning tarixiy-madaniy ildizlari, zamonaviy huquqiy paradigmalarning ilmiy asoslari hamda jamiyat taraqqiyotining strategik yo'nalishlarini mujassam etadi. Shu ma'noda, Konstitutsiya O'zbekistonning siyosiy-huquqiy identifikatoriga aylangan fundamental normativ-huquqiy hujjatdir.

Konstitutsiya yaratilish jarayoni ilmiy-huquqiy maktab tamoyillariga tayanagan holda olib borilganini e'tirof etishga molikdir. 1992-yilda qabul qilingan ushbu Asosiy Qonun huquqiy umuminsoniy konstitutsionizm, fuqarolik jamiyati konsepsiyasi hamda davlat hokimiyati bo'linish prinsipi singari ilmiy maxftablar yutuqlari asosida shakllandi. Yurtimizda o'ziga xos geosiyosiy vaziyat, mustaqillikning ilk yillarida murakkab ijtimoiy-iqtisodiy sharoit Konstitutsiyani qabul qilish jarayonida chuqur professional tahlilni talab qilgan. Shu bois, loyihani ishlab chiqish davomida 6 mingdan ziyod takliflar yig'ilgan, qator olimlar, yuridik institutlar, ijtimoiy fikr markazlari faol ishtirok etgan. Bu holat Konstitutsiyaning ijtimoiy konsensus mahsulini ekanligini ko'rsatadi.

Konstitutsiyaning ilmiy-huquqiy mohiyati avvalo undagi inson huquq va erkinliklarining ustuvorligida namoyon bo'ladi. Milliy qonunchiligimiz Bosh Qomusi - Konstitutsiya BMT tomonidan e'lon qilingan asosiy huquqlar deklaratsiyasi va Xalqaro paktlarda belgilangan universal tamoyillarni o'zida uyg'unlashtirgan. 2023-yil mamlakatimizda ilk bor bevosita xalq tomonidan, ya'ni referendum orqali qabul qilingan yangi ta'hiradgi Konstitutsiyamizga bir qancha normalarga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritildi. Jumladan, shaxsning daxlsizligi, gender tenglik, ekologik xavfsizlik, ijtimoiy himoya kabi qadriyatlar alohida boblar darajasida mustahkamlandi. Ko'rsatkichlarga ko'ra, yangi ta'hiradgi Konstitutsiya matni avvalgisidan farqli o'laroq 65 foizga ko'paydi. Ushbu normalarning o'zi ham mustaqil ilmiy tahlil talab qiladigan murakkab mexanizmdir. Zero, ular inson huquqlarining "vertikal va gorizontol" himoyasi - ya'ni davlat organlari tomonidan ham, jamiyatning o'zi

tomonidan ham ta'minlanishi zarurligini e'tirof etadi.

Ilmiy nuqtai nazardan, Konstitutsiya nafaqat normativ-huquqiy hujjat, balki u jamiyatning ijtimoiy kapitali, ya'ni ishonch tizimi, ma'naviy qadriyat va huquqiy madaniyatning markaziy elementidir. Konstitutsiyaning amaliy hayotga tatbiq etilishi huquqiy ong va huquqiy madaniyat, jamiyatning davlatga nisbatan ishonchi, ijtimoiy institutlar o'rtasidagi barqarorlik hamda fuqarolarning ijtimoiy faolligi kabi prinsiplarni kuchaytiradi. Bu jarayon jamiyat va davlat o'rtasidagi "ijtimoiy shartnoma"ni mustahkamlab, demokratik tizimning barqaror ishlab chiqarish zamin yaratadi. Bosh Qomusimizda "Inson - oliy qadriyat" tamoyili hayotning barcha jabhalarida konstitutsion kafolatlarni mustahkamlaydi. Jumladan, nafaqa, ijtimoiy yordam, kompensatsiya va boshqa yordam turlari davlat tomonidan kafolatlanadi. Shu bilan bir qatorda, keksalar, nogironligi bo'lgan shaxslar, boquvchisini yo'qotganlar alohida ijtimoiy himoya tizimi orqali qo'llab-quvvatlanadi. (O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 57-moddasi).

Konstitutsiyada iqtisodiy munosabatlarga oid yangi normalar joriy etilgani O'zbekistonda "iqtisodiy konstitutsionizm" yo'lga olib chiqilmoqda. Bu atama, o'z o'rnida, iqtisodiyotning asosiy tamoyillarini konstitutsiyaviy darajada himoya qilishni anglatadi. Bunda xususiy mulkning daxlsizligi, tadbirkorlik erkinligi, ruxsatnomalar tizimini liberalashtirish, adolatli soliq tizimi huquqiy kafolat sifatida mustahkamlab qo'yildi. Iqtisodiy nazariya nuqtai nazaridan bunday yondashuv investitsion muhitning barqarorligini oshiradi, iqtisodiy risklarni pasaytiradi va bozor islohotlarining uzluksizligini ta'minlaydi.

Mamlaakat mustaqilligining huquqiy asosi

To'hir BOZOROV, Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi.

Mamlakatimizda amalga oshirilaётган siyosiy, ijtimoий va iqtisodiy isloхотlar янги давр тараққийотининг пойдеворини яратмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, "Конституцияни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўғридан тўғри ва бевосита қўллаш амалиётига ўтишимиз зарур". Бу фикр бугунги кунда Конституциявий ислохотларнинг асосий йўналишини белгилайди: унда жамиятнинг барча қатламларида қонун устуворлиги, инсон қадрини ва давлат бошқарувида шаффофликни таъминлаш муҳим ўрин тутати.

Конституция - бу давлатнинг бош қонунини, у жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг пойдеворини белгиловчи асосий ҳужжат, мамлакат мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатидир. Мазкур ҳужжат ўз моҳиятига кўра, халқ суверенитетининг ифодаси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этувчи, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг конституциявий асосини яратган ҳужжатдир.

Сўнги йилларда Конституцияга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар мамлакатнинг сиёсий тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. 2023 йилги Конституциявий ислохотлар натижасида инсон манфаатлари, ижтимоий адолат, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро масъулият тамойиллари кучайтирилди. Шу жиҳатдан, Конституция нафақат давлат ҳокимиятининг асосий манбаи, балки Ўзбекистоннинг демократик ривожланиш концепциясининг ядро ҳужжатидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг янги босқичида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни тубдан модернизация қилиш жараёнини давом эттирмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг ядро компонентини сифатида конституциявий ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари, айниқса таълим тизимида чуқур ўзгаришларга асос бўлмоқда.

Таълим - ҳар қандай жамият тарққиётининг стратегик омили бўлиб, унинг самардорлиги бевосита ҳуқуқий асослар барқарорлиги билан

белгиланади. Шу боис, янги Конституцияда таълимга оид қатор нормаларнинг қайта кўриб чиқиши ҳамда улар орқали таълимнинг узлуқсизлиги, сифат стандартлари, барча фуқаролар учун тенг имкониятлар ва инклюзивлик тамойилларининг мустаҳкамланиши соҳанинг барқарор ривожланишига ҳуқуқий замин яратмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида таълим тизими нафақат миллий иқтисодиётнинг, балки давлатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини белгиловчи асосий кўрсаткичга айланмоқда. Шу нуқтаи назардан конституциявий ислохотларнинг мазкур соҳада олиб келаётган янгиликларини тahlil қилиш, мавжуд кафолатларни илмий асосда ўрганиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33 йил ичида амалга оширган ислохотлари ва натижалари қуйидаги асосий йўналишларда кузатилади:

Ҳуқуқий тизимнинг ривожланиши: Конституция давлат ҳокимияти органларини тартибга солиб, фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини кафолатлайди. Шунингдек, Конституцияга киритилган ўзгаришлар ҳуқуқий барқарорликни таъминлайди.

Демократик институтларнинг шаклланиши: сўнги 33 йил ичида сиёсий тизимда демократик ислохотлар амалга оширилди, хусусан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинлиги кенгайтирилди.

Ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга таъсири: Конституция иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий ҳимояни таъминловчи қонунларни ишлаб чиқишга асос бўлди.

Президент ташаббуслари - амалда

Маҳаллий хомашё ва жаҳон стандарти:

ИННОВАЦИЯ НЕГА ҚУРИЛИШ САНОАТИНИНГ ТАҚДИРИНИ БЕЛГИЛАЙДИ?

Бугун қаерга қарасангиз, янги уйлар, қурилаётган кўп қаватли иншоотлар, таъмирланаётган йўллар, барпо этилаётган боғча ва мактаблар кўзга ташланади. Бир қарашда бу оддий бунёдкорлик жараёнидек туюлиши мумкин. Аммо кўйилаётган ҳар бир ғишт, кўтарилаётган ҳар бир девор ортида бугун бир тармоқ ишлаб турибди. Бу қурилиш материаллари саноати. Айна шу тармоқ мамлакатнинг иқтисодий ўсиши, демография босими ва урбанизациянинг кескин суръатларида стратегик аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш юзасидан тақдирот билан танишган эди. Қуйида шу тақдиротдан кейин туғилган баъзи фикрларимиз билан ўртоқлашамиз.

Кейинги саккиз йилда Ўзбекистон аҳолиси олти миллион нафарга кўпайди. Бу шунчаки статистика эмас. Бу яна кўплаб янги уй-жой, мактаб, боғча, шифохона, йўл ва хизматларга талаб ортди дегани. Шу йиллар давомида 210 миллион квадрат метр турар ва нотурар бинолар фойдаланишга топширилди, 565 минг хонадон қурилди.

Ҳар бир янги хонадон бир оиланинг орзу-умиди, бир маҳалланинг юзи, бир шаҳарнинг ривожини саналади. Лекин бу қурилишнинг ҳар бир қисмида цемент, тош, шина, қувур, пардозбоп материаллар турганини унутмаслик керак. Агар бу материаллар мунтазам, сифатли ва арзон бўлмаса, бунёдкорлик ҳам тўхтайд.

Саҳна ортида турган бу тармоқ сўнги йилларда йўл баробар ўсди. Бу кўрсаткич, аввало, мамлакатнинг саноат салоҳияти мустаҳкамланаётганидан далолат. Айниқса, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм ва Жиззахнинг олдин саноати паст ҳудудларида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш иш ўринлари ва даромад манбаига айланди. Бу маҳаллий иқтисодиёт учун бекиёс имконият.

Халқаро тажриба ҳам шундан далолат берадики, Туркияда цемент саноати кишлоқ ҳудудлар саноатлашувини бошлаб берган. Вьетнамда пардозбоп материаллар экспорти бутун бир минтақанинг иқтисодини ўзгартирган. Бизнинг мамлакатда ҳам худди шундай жараён кетмоқда, назаримизда.

Дарвоқе, 20 ноябрь куни бўлган тақдиротда ютуқлар ўзимизники экани, лекин тармоқда муаммолар ҳам борлиги қайд этилди. Шулар ҳақида қисқача тўхталамиз.

Ўзбекистонда ПВХ-қувур, фитинг, шина ва тош маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар бўлса-да, баъзи йилларда импорт барибир юқори бўлиб қолмоқда. Бу, бир томондан, бозор талабининг катталигини кўрсатса, киникчи томондан, тармоқ ҳали тўлиқ қувватда ишламаётганини, айрим маҳсулотлар сифат ва стандартлар бўйича талабга тўлиқ жавоб бермаслигини аналтилади.

Чинортепага 140 минг долларлик грант ажратилди

Хитойнинг Чунсин шаҳрида минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликка бағишланган Осие маданий мероси альянснинг II Бош ассамблеяси ва 3-Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси таркибиде Маданий мерос агентлиги директори Баҳодир Абдиқаримов қатнашди.

Ассамблея доирасида мамлакатимиз учун муҳим қарор қабул қилинди: Сурхондарё вилояти Узун туманидаги "Чинортепа" маданий мерос объектида археолог қазималар ўтказиш учун 140 минг АҚШ доллари миқдорда грант ажратилди. Йиғилишнинг яна бир муҳим натижаси - Ўзбекистоннинг альянс Кенгаши таркибига қабул қилиниши бўлди. Бу қарор юртимизнинг маданий мерос соҳасидаги халқаро оғуришини ошириб, минтақавий сиебат ва стратегияларни шакллантиришда фаол иштирок этиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги матбуот хизмати хабарига кўра, Осие маданий мероси альяниси илк бор 2021 йил 27 октябрда Хитойнинг Сиан шаҳрида ўтказилган форум доирасида ташкил этилган. Ташкилотнинг асосий вазифаси

Юртимизда бир миллиард тоннадан зиёд каолин бўлса ҳам ҳар йили чинни импорт қилиниши ҳам шу муаммонинг бир қисми. Шу боис келгуси йилларда каолинни чуқур қайта ишлаш бўйича 40 та лойиҳа амалга оширилиши, мутахассислар тайёрлаши мамлакат экспорт балансини тубдан яхшилайдиган қадамлардан экани айтилмоқда.

Режалар қатта. Яқин йилларда 112 та янги лойиҳа амалга оширилиб, 13,5 минг иш ўрни яратилади. Стратегик аҳамиятга эга 5 та йирик корхона қурилади. Лойиҳалар портфелини 3,5 миллиард долларгача ошириш мақсади эса Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг йирик қурилиш материаллари марказларидан бирига айлантириши мумкин.

Ҳудудлар учун бунинг яна бир муҳим жиҳати бор. Қўшни мамлакатларда 4 миллиард долларлик бозор бор. Яъни биз иккита имкониятга эгамиз. Ички талаб қатта ва ташқи бозорлар ҳам яқин. Агар стандарт, сифат, логистика ва экспорт сиебати изчил йўлга қўйилса, Ўзбекистон экспорт-боп маҳсулот етказиб берувчи мамлакатга айланади.

Давлат раҳбари тармоқ ривожиде илм-фан, технология ва энергия самарадорлиги муҳим эканини алоҳида таъкидлайди. Германия, Қорея ва Туркия олимларининг жалб қилиниши, 30 миллиард сўмлик илмий лойиҳалар молиялаштирилиши тармоқда инновация асосига ўтилаётганининг бошланғич босқичидир.

Қурилиш материаллари энергия тежовчи ва экологик маҳсулотларнинг улушини келгуси йил 25 фоизга, 2030 йилда 35 фоизга етказиш вазифаси қўйилаётгани эса жаҳон бозори қоидаларига мос стратегия.

Натижада қурилиш материаллари тармоғи шунчаки хомашё ишлаб чиқарувчи соҳа эмас, балки мамлакатнинг барқарор ривожини таъминловчи асосий пойдеворга айланмоқда. Чунки ҳар бир уйда, ҳар бир кўпқирли, ҳар бир йўлда ва ҳар бир ижтимоий иншоотда айнан шу тармоқнинг улуши, инновацияси, стандартларга риояси ва иқтисодий салоҳияти мўжассам, деб ёзади ҲА мухбири Икром Аввалбоев.

Қисқаси, қурилиш материаллари бундай девор кўтариш эмас. Бу ривожланиш, янги иш ўринлари, экспорт, энергия тежаш, замонавий шаҳарлар ва келажак учун барпо этилаётган мустақкам пойдевор демакдир.



*Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.
Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.
Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади.
Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.
Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир.
Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси.

ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ Йўлидаги дадил қадамлар



Жамшид ХУДОЕВ, Бухоро вилояти Жондор тумани ҳокими.

Қишлоқ ва маҳаллаларда сифатли яшаш тарзини йўлга қўйиш, таълим, спорт, туризм ҳамда ижтимоий соҳа объектларини замонавий кўринишда қайта тиклаш ишлари тараққиётнинг янги манзарасини шакллантирмоқда. Шу жумладан, Бухоро вилояти Жондор туманида юз бераётган ўзгаришлар ҳудуднинг янги қиёфасини яратмоқда. Бу янгиланишлар бугунги эҳтиёжга жавоб берадиган, эртанги кун учун эса мустаҳкам пойдевор бўлувчи амалий қадамлардир.

ИЖТИМОЙ МАСКАНЛАР ЯНГИ ҚИЁФАДА

Жондор туманида ҳокимлик томонидан белгиланган устувор вази-фалардан бири – таълим муассасалари инфратузилмасини тубдан янгилаш ва аҳолига замонавий хизматларни тақ-дим этишдир. Шу мақсадда тумандаги 12-сонли янги мактабгача таълим таш-килоти учун 120 квадрат метрли бино бар-по этишга 3 миллиард 800 милли-он сўм маблағ йўналтирилиб, қурувчи-лик ишлари “Зайниддин Ҳаловуддин” МЧЖга юклатилган. Қолаверса, 17-сон умумтаълим мактаби ҳудудида ҳам шун-га мос қувватга эга янги боғча қурилди. Лойиха учун 3 миллиард 748,5 миллион сўм ажратилди. Ушбу объект қурилиши “Умарбобо” МЧЖ томонидан амалга оширилди.

Шу билан бирга, 4-мактабда 12x24 ўлчамдаги спорт зал қурилиши учун 1 миллиард 138,7 миллион сўм ажрат-илди. Бу орқали ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиш имконияти янада кенгайди. Мазкур иншоотни барпо этиш ишларига “Сафо Сардорбек” МЧЖ жалб этилган. Шунингдек, туман марказий стадиони ҳам эътибордан четда қол-мади. 500 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари “Эксклюзив қурилиш” МЧЖ томонидан амалга оширилиб, ҳудудда маданий-спорт тадбирларини ўтказиш учун янада қулай шароит яратилди.

Туман политехникумида илк ривож-ланиш марказларини йўлга қўйиш, мавжуд биноларни таъмирлаш ва замона-вий жиҳозлар билан таъминлаш мақ-садида 400 миллион сўм сарфланди. Бу вази-фа “Original faza lux” МЧЖ томони-дан юқори даражада бажарилмоқда. Шу тарзда “Асп Абзам строй инвест” хусусий корхонаси томонидан 18-оилавий поли-клинанинг “Қирғичи” филиалида ҳам



капитал таъмир ишлари олиб борилди. Бунинг учун 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ УЧУН

Туманда амалга оширилган ишлар-дан энг эътиборлиси – жорий йилда янги мактабгача таълим муассаса-сининг иш бошлаганидир. Хумдонак маҳалласидаги Буржок қишлоғида бар-по этилган 9-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг ишга туши-ши аҳоли учун қувончли хабар бўлди. 120 ўринли ушбу замонавий муассаса 4 миллиард 140 миллион сўм маблағ эвазига қурилиб, тарбияланувчилар учун барча зарур шароитлар яратилди. Бундан ташқари, тумanning “Мирзаён” МФЙдаги 12-сонли ва “Қароли” МФЙ-

даги 33-сонли болалар боғчалари ҳам замонавий талабларга мос ҳолда бар-по этилди. Ҳар бири 120 нафар болани қамраб олишга мўлжалланган.

Маълумот ўрнида, туманда ҳозирга қалар 32 та давлат ва 180 та хусусий МТТ фаолият юритиб келар эди. Янги ташки-лотлар ишга тушиши билан болаларни боғчага қамраб олиш кўрсаткичи 76,6 фоиздан 78 фоизга кўтарилди. Бу, ту-манда болажонлар таълим-тарбиясига бўлган ғамхўрлик янада кучайганидан далолат. Ушбу боғчаларнинг фойдала-нишга топширилиши Жондор туманида мактабгача таълим тизимини янада ри-вожлантиришга, болалар учун сифатли ва қулай таълим-тарбия шароитларини яратишга хизмат қилади. Шу билан бир-га, бу ишлар ҳудуддаги таълим инфра-тузилмасини мустаҳкамлаш ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида ижобий ўзгаришларни таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшади.

“УШОТ” – ТУРИЗМ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИК МАРКАЗИ

Туман ҳокимлиги ташаббуси бил-ан “Варахша” археологик мажмуаси, “Қизибийи” зиёратгоҳи ва “Зарафшон” соҳилбўйи дам олиш масканида ишлар жадал амалга оширилиб, ташқи ва ички сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хиз-мат қилмоқда. Ушот қишлоғида туризм йўналишидаги лойиҳалар эса алоҳида эътиборга молик. Қишлоқ нафақат сай-ёҳлик, балки миллий хунармандчилик марказига ҳам айлантирилди. Тандир-созлик, каштачилик, сўзаначилик ва зардўзлик каби қадимий санъат турлари бугунги кунда янада ривожланмоқда. Ушотлик ширинлик усталари тайёрла-ётган миллий қандолат маҳсулотлари ва



ҳолвалар эса туман иқтисодиёти ри-вожига ҳисса қўшмоқда. Шу боис, 4 мингга яқин аҳолиси бор ҳудуд “Ушот – хунар-мандлар маҳалласи” сифатида белги-ланди ва туризм қишлоғи мақомини олди.

Қишлоқда туризм ва хунармандчи-лик соҳаларида амалга оширилаётган ишлар нафақат маҳаллий аҳолининг даромад манбаини кўпайтирмоқда, балки тумanning иқтисодий салоҳия-тини мустаҳкамлаб, маданий меросни асраб-авайлаш ва уни кенг аудитория-га тақдим этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу тариқа, Ушот нафақат “ху-нармандлар маҳалласи”, балки Жондор туманидаги барқарор ижтимоий-иқти-содий ривожланишнинг ёрқин тимсо-лига айланмоқда.

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ РИВОЖЛАНИШДА

Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2024 йил декабрь ойидаги “Бухоро вилояти санаят ва хизмат кўрсат-иш соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва “Ҳудудга таъминот” АЖнинг 2024 йил декабрдаги тегишли бўйруғи-га асосан, Жондор туманининг айрим ҳудудларини таъминот бўлиб таъмин-лаш ишлари яқунланди.

Бунда кесими 530 миллиметр, узун-лиги 7 километр бўлган юқори босим-ли ер ости газ қувири реконструкция қилинди. Ушбу газ қувири 1991 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, ушбу таъмирлаш натижасида йигирма мингдан ортиқ истеъмолчининг табиий газ таъминоти янада яхшиланди. Таби-ий газ билан келиб чиқиши мумкин бўл-ган муаммоларнинг олди олинди.

Таъкидлаш лозимки, қиш мавсу-мида аҳолининг энергия манбаларига эҳтиёжи ортади. Шунини инобатга олиб, туманда газ таъминоти тизими босқич-ма-босқич янгиланиб, аҳолига узлуксиз хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 167 минг истеъмолчи суолтирилган газдан фойдаланмоқда. Жорий йилда Олот ва Жондор туманларида эса замо-навий газ тўндириш шохобчалари ишга туширилди. Жондордаги янги шохобча 9 мингдан зиёд аҳолини қамраб олиб, йил давомида 59 мингдан ортиқ бал-лонни газ билан тўндириб беради. Мав-жуд газ синов цехларида эса аҳолига етказиладиган баллонлар хавфсизлик талабларига мувофиқ ҳолда текширил-моқда.

ИЖТИМОЙ ЎСИШ

Камбағаллик ва ишсизликни қис-қартириш бўйича олиб борилган ис-лохотлар натижасида олдинги йиллар-га нисбатан сезиларли кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, Жондор тум-анида йил бошида камбағаллик даража-си 9,5 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳо-зирги кунда мазкур кўрсаткич 5 фоизга тушган. 2024 йилда Жондор туманида тадбиркорликни ривожлантириш учун жами 225 миллиард сўм кредит маб-лағлари ажратилган бўлса, жорий йил бошида 471 миллиард сўм маблағ ажрат-илди.

Келгуси йилларга белгиланган янги лойиҳалар ва инфратузилмавий ташаб-буслар эса Жондор тумани ва умуман, бутун Бухоро вилоятининг инвести-



Бунинг натижасида шу ҳудудлардаги 50 та маҳалланинг ҳар бирида ўзининг ихтисослашувидан келиб чиқиб, драй-вер лойиҳалар шакллантирилди. Мисол учун, Зарафшон маҳалласида Зарафшон қўйиш имкони пайдо бўлади. Лойиҳаси ташкил қилинмоқда. Бунда 17 милли-ард сўм инфраструктура учун ажратил-ган маблағ ҳисобига мингдан ортиқ иш ўрни яратилади. Лойиҳанинг қурилиш ишлари яқунланганда, 260 дан ортиқ тал-биркорлик субъекти фаолиятини йўлга қўйиш имкони пайдо бўлади. Қувонар-лиси, шу вақтгача қаровсиз ётган соҳил ва йўл бўйи даромади катта локация-ларга айланади. Режага кўра, келгуси йилда ҳудудларда яна 200 та шундай кўча ташкил қилинади.

Санаят ва ишлаб чиқариш кўлами-ни ривожлантириш соҳасида ҳам қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Шу жум-ладан, ҳар бир маҳаллада кичик санаят зоналарини ташкил қилиш, ихтисосла-шувидан келиб чиқиб, ўша ердаги лидер тадбиркорларни жалб қилган ҳолда тур-ли лойиҳалар асосида иш олиб бориш учун шароит яратиш ташаббуслари дав-ом этмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллаларда таш-кил қилинган кичик санаят зоналари аҳолининг ўз уйига яқин ҳудудда иш топиш имкониятини янада кенгайтира-ди. Лойиҳаларнинг ҳар бири маҳалла-нинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилаётгани туфайли, уларнинг самарадорлиги ҳам юқори бўлиши ку-тилмоқда. Масалан, қишлоқ ҳўжалигига мос жойларда қайта ишлаш корхонала-ри, туризм салоҳияти юқори ҳудудлар-да эса сервис ва хизмат кўрсатиш тар-моқлари ривожлантирилмоқда.

Бундай тизимли ва мақсадли ён-дашув туфайли ҳудуд аҳолисининг да-ромадлари барқарор ошиши, ёшлар ва аёллар бандлигининг кенгайиши, маҳаллаларнинг иқтисодий мустақил-лиги кучайиши кутилган. Энг муҳими, амалга оширилаётган ислохотлар бир марталик ҳаракат эмас, балки узок муд-датли, барқарор тараққиётга хизмат қи-лувчи йўналиш сифатида изчил давом этмоқда.

Келгуси йилларга белгиланган янги лойиҳалар ва инфратузилмавий ташаб-буслар эса Жондор тумани ва умуман, бутун Бухоро вилоятининг инвести-

цион жозибadorлигини янада ошириб, иқтисодий ўсиш нуқталарини кўпайти-риши шубҳасиз. Шу тариқа, амалга оши-рилаётган ислохотлар одамлар ҳаётида сезиларли ижобий ўзгаришлар қилиб, ҳар бир маҳалланинг ўз салоҳияти асо-сида ривожланишига мустаҳкам замин яратмоқда.

Бир сўз билан айтганда, туманимиз-да амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа, ҳар бир бунёдкорлик халқ фаровонлиги-ни оширишга қаратилган эзгу мақсадлар ифодасидир. Янги боғчалар, таъмирлан-ган таълим масканлари, қурилаётган спорт заллар, ривожланаётган туризм ва замонавий энергия инфратузилмаси туман тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади.

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА

Марказий кон бошқармасининг иқтисодий тараққиётида самарадорликни оширишда

Нафосат ЗИЁЕВА,
“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Марказий кон бошқармаси мухбири.

Йилдан-йилга ишлаб чиқаришлар кўпайиши, иқлим ўзгариши, энергия ишлаб чиқариш ресурслари камайиши долзарб муаммоларни келтириб чиқараётган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Навоий кон-металлургия комбинати олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларини яшил энергетикага ўтказиш, энергияни иқтисод қилиш, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича корхонада қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилди. Бу дастурларни амалга оширишда, албатта, Марказий кон бошқармаси жамоаси ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Кейинги йилларда 1,2 мингга яқин қуёш суви иситиш қурилмалари (гелиоколлекторлар) ўрнатилди.

Шунингдек, сўнгги йилларда умумий қуввати 1,55 минг кВтлик қуёш фотозелктр станциялари ишга туширилгани электр энергиясини тежашда муҳим роль ўйнамоқда. Мисол учун, ўтган йилнинг ўзида инвестицион лойиҳалар асосида 11 та объектда умумий қуввати 1,45 минг кВтлик қуёш фотозелктр станцияси фойдаланишга топширилди. Жумладан, Ташки сув таъминоти билан энергия хизматида 700 кВт, 2-гидрометаллургия заводида 400 кВт, 7-гидрометаллургия заводида 200 кВт, Зарафшон таъмирлаш-механика заводида 100 кВт, 7-автокорхонада 50 кВт ана шундай энергия тежамкор лойиҳалар ишга туширилди. Қувонарли жиҳати, шу даврга қадар ўрнатилган қуёш фотозелктр станциялари ёрдамида соатига ўртача 564,5 кВт, кунига ўртача қарийб 4,52 минг кВт, бир йилда эса ўртача 1,65 миллион кВт электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг натижасида кон бошқармасининг

йиллик электр энергияси сарфидан қарийб 1,65 триллион сўм маблағ иқтисод қилинади.

Маълумки, мамлакатимиз ҳудудида истеъмол қилинаётган сув миқдорининг катта қисми Амуларёдан олинади. “НКМК” АЖ Марказий кон бошқармасига қарашли Ташки сув таъминоти билан энергия хизмати ана шу йирик дарёдан Зарафшон ва Учқудук шаҳарларига, “Бессопан”, “Мурунтов”, “Довгизтов”, “Ауминзо-Амантой” саноат ишлаб чиқариш корхоналарига техник ва ичимлик суви етказиб беради. Бунинг учун 100 километрга яқин масофада сув қувурлари ётқизилган. Шунингдек, корхона “Бессопан-Мурунтов” майдонида жойлашган ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналарини иссиқлик энергияси билан ҳам таъминлаб келмоқда.

2024 йилдан бошлаб корхона станцияларида умумий қуввати 700 кВтлик қуёш фотоэлектр станциялари ишга туширилиб, бутунги кунда улардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, Хоразм вилоятининг Тупроққалъа туманида жойлашган 1-сонли насос станциясида 100 кВтлик, Бухоро вилоятининг Пешку туманида жойлашган 2-сонли насос станциясида 100 кВтлик, Навоий вилоятининг Учқудук туманида жойлашган 3 ва 4-сонли насос станцияларида 200 кВтлик, Навоий вилоятининг Томди туманида жойлашган 5, 6 ва 7-сонли насос станцияларида 300кВтлик қуёш фотоэлектр станцияларидан самарали фойдаланилмоқда.



– 2021 йилдан буён Марказий кон бошқармасининг катта ҳажмдаги саноат корхоналарида қуёш гелиоколлекторлардан фойдаланиб, улар қанчалик иқтисодий самарадор эканини аниқ натижаларда кўриб келямиз, – деди кон бошқармаси бош энергетиги ўринбосари Аскар Жулибеков. – Ўтган йиллар давомида саноат объектларида 1236 та қуёш гелиоколлектори ишга туширилди. Бундан ташқари, олиб борилган тарғибот ишлари натижасида 100 нафарга яқин ишчи-ҳодимларимиз ўз хонадонларига қуёш фотоэлектр станцияларини ўрнатишди. Жорий йилда ҳам 7-Гидрометаллургия заводида 42 дона ана шундай

гелиоколлектор ўрнатилиб, айни кунларда ишга туширилиши режалаштирилмоқда. 2026 йилда яна 80 та ана шундай қуёш гелиоколлектори ўрнатиш режалаштирилган. Агарда, бошқармаимиз тасарруфидоги корхоналарга ўрнатишга замонавий қуёш фотозелктр станцияларининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этадиган бўлсак, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 1 296 906 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилганини кўраимиз. Барча қуёш фотоэлектр станциялари ишлаб чиқараётган электр энергияси ҳисобини юритиш учун CAS ва TEAMI тизимига мос келадиган электр энергиясини ҳисобга олиш

ҳамда назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимли усуналари билан жиҳозланган электр ҳисоблагичлар ўрнатишга. Электр энергиясини тежашдан ташқари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайитишда ҳам муҳим ўрин тутаётган қуёш фотоэлектр станциялари ишлаб чиқараётган электр энергиянинг доимий назорати йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, бошқармада “яшил” иқтисодиётни кенг жорий этишдаги ҳар бир қадм барқарор тараққиётга, иқтисодий юқалишга, атроф-муҳит ва табиатни асрашга хизмат қилмоқда.

ЭЛЕКТР ВА ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ ТАБИЙ ГАЗ АСОСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛМАЛАР ОРҚАЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Райҳона ХУҲАЕВА, “O'zbekiston bunyodkoni” мухбири.

Экология барчамизники, бу борадаги жараёнларга ҳаммамиз масъулмиз. Шу боис, бошқа соҳалар қаторида энергетиклар томонидан атроф-муҳитни яхшилаш, экологик барқарорликни таъминлаш, “яшил” манбаларни кўпайтириш борасида бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Бутунги кунда иссиқлик электр станциялари ва йирик энергетика марказлари орқали ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага зарарли моддалар чиқишининг олдини олиш, ёқилги сарфини оптималлаштириш мақсадида уларга замонавий филтёрлар, автоматик мониторинг тизимлари, экопостлар ҳамда “яшил технологиялар” жорий этилмоқда. Хусусан, Тошкент иссиқлик электр марказида 5 та қозон агрегати ва 1 та газ-турбина қурилмасида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Корхонада мазут ёқилгиси фойдаланишдан тўлиқ чиқарилган бўлиб, электр ва иссиқлик энергияси фақат табиий газ асосидаги замонавий қурилмалар орқали ишлаб чиқарилмоқда.

2024 йилда марказда умумий қуввати 64 мегаваттдан бўлган 2 та янги газ-турбина қурилмаси ишга туширилди. Натижада, йилга атроф-муҳитга чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар 200 тоннага камайишига эришилди. Янги қурилмалар орқали йилга қўшимча 515 миллион киловатт-соат электр ва 630 гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилди. Экологик назоратни кучайтириш мақсадида корхона ҳудудида 4 та автоматик мониторинг станцияси ва 1 та экопост ўрнатилди. Уларнинг барча кўрсаткичлари реал вақт режимида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг Ситуацион марказига узатилади ва доимий таҳлил қилинади. Шунингдек, газ тармоқларида механик бирикма филтёрлари тўлиқ янгиланди.

Корхона Тошкент шаҳар марказида жойлашгани боис, экологияга ижобий таъсир кўрсатиш ва шаҳар кўркини ошириш борасида ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 15,5 гектар ер майдонида 16 минг 490 туп меваги ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, “яшил белбоғ” яратилди.

Тошкент иссиқлик марказидаги 9 та иссиқлик марказида жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Умумий қуввати 4580 гигакалория бўлган ушбу объектлар мавсум давомида истеъмолчиларни 60° – 85° даражадаги барқарор иссиқлик энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.

Экологик талабларни кучайтириш мақсадида ушбу 9 та иссиқлик марказининг 6 тасида мавжуд мазут ёқилувчи

қозонларга абсорбция усулида ишлов берувчи филтёрлаш тизимлари ўрнатилди. Шу билан бирга, мазутни қаттиқ механик бирикмалардан тозалаш усуналари жорий этилди. Экологик барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида 4-сон иссиқлик маркази ҳудудида қуввати 100 мегаватт бўлган янги газ-поршенли электр станцияси қурилди, уни декабрь ойида ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Ушбу газ-поршенли электр станцияси ишга туширилган, 50 та янги иш ўрни яратилади, йилга ўртача 876 миллион киловатт соат электр ва 784 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилди. Бунинг натижасида 15 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилиниб, атмосферага 6 600 тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади. Мазкур электр станция орқали ўртача 365 минг хонадонни электр ва 58 мингта хонадонни иссиқлик энергияси билан таъминлаш имконияти яратилади.

Тошкент иссиқлик электр станцияси – мамлакатимиздаги энг йирик иссиқлик электр станцияларидан бири бўлиб, бу ерда ҳам электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнида экологик талаблар қатъий таъминланмоқда. Станцияда ўрнатилган “Энгли филтёр” қурилмаси чиқиндиларни 99,5 фозиса самара билан тозалайди ва ҳавога ташланадиган қаттиқ зарралар концентрациясини 100 миллиграмм метр кубдан 6 миллиграмм метр кубга камайитиришга эришилмоқда. Шу билан бирга, қуёш панеллари ва суви иситишчилари ўрнатилиши ҳисобига йилга 110,7 тонна ташлама чиқиши олди олинади, техник сувдан фойдаланиш натижасида эса 350 минг метр куб ичимлик суви тежалмоқда. Станцияда тутун газлари таркибини юқори аниқликда назорат қилувчи ва реал вақт режимида маълумотларни Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг Ситуацион марказига узатувчи автоматик мониторинг тизимлари жорий этилган.

Станциянинг санитария-химоя ҳудудида замонавий экопост ўрнатилган бўлиб, у атроф-муҳит ҳолатини доимий назорат қилиш ва экологик кўрсаткичларни тезкор мониторинг қилишни таъминлайди. 370 мегаватт қувватли буг-газ қурилмаси ишга туширилганидан кейин ёқилги сарфи сезиларли камайиб, йилга 350,9 миллион метр куб табиий газ тежалмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бутунги кунда Тошкент ИЭС электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда замонавий экологик стандартларга тўлиқ мос равишда фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, сўнгги 3 йилда юртимизда Давлат хусусий шерикчилиги асосида фойдали иш коэффициенти 60 фоздан юқори бўлган, табиий газда ишловчи, умумий қуввати 3 минг 274 мегаватт бўлган 8 та замонавий иссиқлик электр станцияси ишга туширилди. Ушбу электр станциялари орқали йилга 2,6 миллиард табиий газ тежалди. Бу ҳам атроф-муҳитни асрашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Ортымизда “яшил” энергетикани ривожлантириш орқали ҳам экологик яхшилашга катта ҳисса қўшилмоқда. Сўнгги йилларда олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида бутунги кунда умумий қуввати 4 минг 782 мегаватт бўлган 13 та қуёш ва 5 та шамол электр станцияси ишга туширилган. Ушбу қуёш ва шамол электр станциялари томонидан жорий йил бошидан бери 97 миллиард кВт соатдан ортиқ “яшил” энергия ишлаб чиқарилди. Гидроэлектр станциялари билан ҳисоблаганда жами “яшил” энергия ҳажми 15,7 миллиард кВт соатдан ошди. Бунинг натижасида республикада умумий ишлаб чиқаришда “яшил” энергия улуши 54 фозини ташкил қилди. 2 миллиард 867 миллион куб метр табиий газ тежалди, атмосферага чиқиши мумкин бўлган 4 миллион 200 минг тонна зарарли моддаларни олди олинди. 2030 йилга бориб умумий ишлаб чиқаришда “яшил” энергия улуши 54 фозини ташкил қилиши режалаштирилган.

Ҳудди шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари, давлат идоралари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли хонадонларида умумий қуввати 1 минг 914 мегаватт бўлган қуёш панеллари ҳамда 4 850,2 минг литр ҳажмдаги гелиоколлекторлар ўрнатилган. Натижада ўтган даврда 761 миллион куб метр табиий газ тежалди, 905 минг тонна зарарли газларнинг ҳавога чиқарилишини олди олинди. 2025 йилда ёқилги-энергетика тизими ташкилотлари томонидан “Яшил макон” умумий миллий лойиҳаси доирасида жами 2,5 миллиондан ортиқ меваги ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб ва ҳудудларда “яшил белбоғ” ва “яшил бог”лар ташкил қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, ёқилги-энергетика тизимидаги барча корхоналар томонидан нафақат ишлаб чиқариш ва етказиб бериш жараёнида, балки экологияга ижобий таъсир кўрсатадиган бир нечта бошқа соҳаларни яхшилаш ва ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшиб келинмоқда. Юқорида айтганимиздек, табиат барчамизники ва уни асраб-авайлашга ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Samarqand viloyatidagi
SAR HOUSE
STROY BUILD

Qurilish sohasining qadri vakillarini
Konstitutsiyamizning
33 yilligi
bilan tabirklaymiz.

Barchangizga sog'lik-omonlik, ishlaringizga rivoj tilaymiz. Jonajon yurtimiz ravnaqiga hissa qo'shish yo'lida g'ayrat-shijoat sizlarni aslo etmasini!



Biznesni Rivojlantirish Banki

O'zbekiston Respublikasi
Konstitutsiyasi qabul qilingan kun

8
Dekabr

BRB ilovasi bilan bank xizmatlari tezkorligini his eting
Ilovani yuklab oling va foydalanishni boshlang

 **1254**
www.brb.uz





Hurmatli yurtdoshlar!
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KONSTITUTSIYASI KUNI
bilan tabriklaymiz!

TOSHKENT SHAHAR QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI
SOHASIDA HUDUDIY NAZORAT QILISH INSPEKSIYASI



8-DEKABR

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni



O'ZGASHKLITI QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI,
GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI
LOYIHA ILMIIY-TEKSHIRISH INSTITUTI



“QISHLOQQURILISHLOYIHA”
bosh loyiha instituti


8-dekabr

Konstitutsiya kuni

barchangizga muborak bo'lsin!

Mamlakatimizning har bir hududi obod bo'lishi yo'lida qilayotgan mehnatlaringiz hamisha e'tirofga loyiq.

Yurtimiz taraqqiyotiga hissa qo'shib kelayotgan bunyodkorlarga sog'liq, tinchlik, baraka va doimiy muvaffaqiyat tilaymiz.



SAMARQAND VILOYATI Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bosh boshqarmasi



**BAYRAMINGIZ MUBORAK BO'LSIN,
AZIZ YURTDOSHLAR!**

*Uyuk tarix va zamonaviy taraqqiyotni uyg'unlashtirgan
Samarqand shahrining bugungi qiyofasini yaratishda fidoyilik bilan mehnat
qilayotgan barcha xodimlarga minnatdorlik bildirgan holda, farovonlik,
tinchlik va ezgu niyatlar ro'yobini tilaymiz.*

8-dekabr

**O'zbekiston Respublikasi
Konstitutsiyasi kuni**





Samarqand viloyatidagi BUILDING HOUSE MIROMON

**Jonajon diyorumizning mehnatkash xalqini
Konstitutsiyamizning 33 yilligi bayrami
bilan tabriklaymiz.**

Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo bo'lsin!
Vatanimiz ravnaqi uchun xizmat qilishdan
aslo charchamang!

Туркия технологияси бўйича ун заводи қурилмоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Тахтақўпирлик тадбиркор Аллар Мадреймов
"Kausar tegimon" масуляти чекланган жамияти
фаолиятини йўлга қўйган, 40 нафардан орტიқ
маҳалладошининг доимий бандлигини таъминлади.



У 5 гектар майдонда жойлашган ва бир неча йилдан буён фаолияти тўхтаб қолган донни қайта ишлаш заводида модернизациялаш ҳамда қўшимча цехлар қуриб, аҳолига ун маҳсулотлари етказиб беришни режа қилган. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 46 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бошлади ҳамда керакли асбоб-ускуналари Туркиядан олиб келтирди.

Айни пайтда келтирилган замонавий техника ва технологиялар лойиҳада кўрсатилгани бўйича ўрнатилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишла тушса, йилга 10 минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Ҳозирда истиқболли шартномага биноан, туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Корхонани қайта тиклаб, ишла тушириш ва қўшимча бинолар қуриш учун Туркия технологияси ҳамда соҳада катта тажрибага эга ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилаётганимиз бежиз эмас, - деди Аллар Мадреймов. - Улар бу технология бўйича ўтган йиллар давомида юртимизнинг 11 та ҳудудда ун заводи-ни қуриб битказган. Шунингдек, объектларнинг қурилиши ҳамда иш услуби, янги корхоналардаги жараёни батафсил ўрганиб чиқишга тўғри келди. Шунингдек, ўрнатилган техника ва технологияларнинг қуввати, бир суткада қанча хомашёни қайта ишлаши ҳамда сифат самардорлиги, энергиятежамкорлик даражаси каби муҳим жиҳатлари тўлиқ ҳисоблаб чиқилган, ишларни бошлаб юбордик. Шу кунларда асосий юмушлар бажарилиб, зарур асбоб-ускуналар техник кўриқдан ўтказилмоқда. Яқин кунларда завод тўлиқ фаолиятини бошлашда, бир суткада 45 тонна дон қайта ишланадиган ва сифатли ун аҳолига етказиб берилади.

Шу кунларда тадбиркор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш юзасидан ҳам жиддий ҳаракатларни бошлаб юборган. Жумладан, эшик-ром, арматура, йўлларга мўлжалланган турли хил бетон тўсиқлар, асфальт ва бетон заводи ишла туширилди. 32 миллиард сўм маблағ ҳисобига қорвачилик тармоғини йўлга қўйиб, сутни қайта ишлаш корхонасини қуриб фойдаланишга топширгани эса тахтақўпирликлар ва қўшни ҳудудлар аҳолисининг кундалик эҳтиёжини таъминлапти.

E'LON!

O'zbekiston "Yoshlik" jismoniy tarbiya va sport jamiyati (STIR 200794258) O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligida 2007-yil 7-aprel kuni 504P-son bilan ro'yxatdan o'tgan bo'lib, uning yuridik manzili: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Labzak dahasi, 40-uy hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PQ-277-son qaroriga muvofiq jamiyat faoliyati rasman tugatilayotganligi ma'lum qilinadi.

Ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab barcha da'vo va e'tirozlar joriy yilning 27-dekabriga qadar quyidagi manzil bo'yicha qabul qilinadi: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Labzak dahasi, 40-uy.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил 5–15 декабрь саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги Ичимлик ва оқова сув тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Ғайрат Раҳимов**, Биричи бўлим бош мутахассиси **Бобиржон Асадов**, "call-марказ" оператори **Шохрўх Пирназаров**,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва ташишга қўйилаётган технологик талабларга риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Жалолиддин Аблахатов**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ бош юрисконсулти **Шерзод Норматов**,

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" Davlat xaridlarini tashkil qilish va amalga oshirish b'limi bo'shligi **Шахзод Абдуғафаров**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти бош мутахассислари **Марат Магданов**, **Фурқат Сафаров**, Стандартлаштириш бошқармаси бош-лиғи **Жасур Ҳамидов**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Самариддин Зокиров**, "Водий" филиали директори **Рустам Мамасиддинов**,

"Qishloq-qurilish loyiha" ДМ Мастер режаларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи **Илҳом Жўраев**,

"Ўзоғирсанотлоийха" АЖ ТСП муҳандиси **Тина Ким**, ЭТА етакчи муҳандиси **Дмитрий Божко**, ВК етакчи муҳандиси **Мадима Мамарасуллова**, **Марина Иванова**, 5-устахона техник бўлими бош мутахассиси **Дилноза Темирова**, бош архитектори **Комилжон Матчонов**, Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси фаррошлари **Муҳаббат Мақсудова**, **Дилфуза Якубова**, **Муҳайё Исламова**, Қашқадарё филиали архитектори **Маъмуржон Узоқов**,

"O'zshaharsozlik LIT" ДМ бош директор ёрдамчиси **Шухратбек Қосимов**, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахона гуруҳ мудирлари **Мадима Мамарасуллова**, **Марина Иванова**, 5-устахона техник бўлими бош мутахассислари **Сухроб Досов**, **Гулшад Алламжарова**, **Бахтиёр Аметов**, Эллиқалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Муҳиддин Сатимов**, бош архитектор **Жамшид Аҳмедов**, бош бухгалтер **Саламат Пиржанов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассислари **Юсупбай Нурыллаев**, **Айнара Шерипова**, бўлим бошлиғи ўринбосари **Айсильду Шарпапдинова**, бош мутахассис **Раҳат Ешпанов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Қўп квартиралари уйлари бошқармаси бош мутахассислари **Шухрат Айсбаев**, Асака тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектору ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Алишер Неъматов**, Қўрғонтепа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Адахамжон Насирдинов**, Хўжалик ишлари мудир **Ҳалимжон Бадалов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Қўп квартиралари уйлари бошқармаси тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш шўъбаси бош мутахассиси **Шермағ Фаттиев**, бош бошқарманинг хўжалик ҳисобиди фаолият юритувчи бўлими бош мутахассиси **Дониёр Акрамов**, Шофиркон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Мадад Обидов**, Жондор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлим бошлиғи **Ҳамробек Шодиёв**, Пешку тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Дилшод Бадалов**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ичимлик суви, оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўъбаси бош мутахассиси **Бегзод Арзиев**, Миришкор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Бегзод Шомирзаев**, Китоб тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Дамир Шодиёров**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Фурқат Қозқоқбоев**, етакчи мутахассис **Қамолддин Ҳалилов**, бўлим бошлиғи **Хуршед Исламов**, мутахассис **Бекжон Ҳасанов**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси юрисконсулти **Зокиржон Атабаев**, Хўжалик ҳисобиди давлат хизматлари кўрсатиш бўлими бошлиғи ўринбосари **Улуғбек Жулбеков**, бош мутахассис **Жасур Тўхтаев**, етакчи мутахассис **Элёр Бабаназоров**, Ховос тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Улуғбек Исмаилов**,

Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Насим Аҳмедов**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Ҳабибулла Аллаберганов**,

"Иссиқлик манбаи" ДУК Наманган вилояти филиали бошлиғи **Нурбек Валиев**,

"Qo'qon loyiha qurilish" МЧЖ Лойиҳа ишлари, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш ва пулдрат ишлари бўйича бош мутахассиси **Исломжон Эрматов**,

Қорақалпоғистон Республикаси КеҒейли туманидаги "Kegeyli Uy-Jay Kommunal" БСК МЧЖ бош директори **Элмира Мирзакаримова**, Жиззах вилояти Зомин туманидаги "Zamin City Stroy-Servis" БСК МЧЖ бош директори **Хайрулла Неъматуллаев**, Наманган вилояти Давлатобод туманидаги "Мир дом локс бошқарув сервис компанияси" БСК МЧЖ бош директори **Дилором Ашурова**, Тўрақўрғон туманидаги "Тўрақўрғон бошқарув коммунал сервис" БСК МЧЖ бош директори **Маърифат Ҳасанова**, Наманган туманидаги "Наманган бошқарув сервис профессионал компанияси" МЧЖ бош директори **Жавлонбек Маликов**, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Абдурауф Толипович Буилдин" БСК МЧЖ бош директори **Фаррух Юлдашев**, Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги "Sirdaryo-11" БСК МЧЖ бош директори **Тимур Джемпаров**, Олмалик шаҳридаги "Олмалик коммунал сервис" БСК МЧЖ бош директори **Лариса Лемдасваларни** таваллуд кунини билан дилдан муबारакбод этамин.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



ЎТМОИЙ-ЎҚИСОДИЙ ГАЗЕТА
**О'ЗБЕКИСТОН
БУНЫОДКОРИ**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Ошқувватов,
Козим Туяганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод
Жалолов**

Бош муҳаррир
ўринбосари **Райҳона
Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал
Махкамов**

Мусахҳих **Марҳамат
Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори"
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ"
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиғи,
"Ўзсанотқурилишматериаллари"
ушммаси, "ЎзГАСҲҚЛИТИ" МЧЖ,
"Ўзшаҳарсоғлиқлиғи" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"Ўзгеорангметлиғи" ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Анджон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси - 466.
Буюртма - Г - 1241.
1748 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми - 5 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга
келган қўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтариламайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буёқ Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир -
Р. Ҳўжаева.
Навбатчи -
А. Эгамбердиев.

Ўза якуни -
Тошпирилди - 01.25. 123456

Газетанинг навбатдаги сони
16 декабрь кунини чиқади.

“Shaharsozlik hujjatlarini
ekspertiza qilish
Respublika Markazi” DM

8-DEKABR

Muqaddas Qomusimiz qabul qilingan
sana bilan bunyodkor xalqimizni
chin dildan tabriklaymiz!

Yangi O‘zbekistonimiz taraqqiyoti yo‘lida olib borayotgan
sharafli xizmatingiz tufayli xalqimizning duosiga sazovor
bo‘lish nasib etsin.

Bayramingiz muborak bo‘lsin, xonadonlaringiz doimo
quvonchga to‘lsin.

